Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2016 ЙИЛ 18 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 165 (13.228)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 август куни Оқсаройда Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Корея Республикаси билан стратегик шериклик муносабатларини юксак қадрлашини ва бу муносабатларни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади. Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро манфаатли ҳамкорликни, айниқса, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш ва "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишига ишонч билдирди.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнь ойида Тошкентга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил май ойида Сеулга давлат ташрифлари мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг ҳар томонлама, аввало, иқтисодий соҳада изчил ривожланишига янги суръат бағишлади. Ушбу ташрифлар якунига кўра юздан ортиқ ҳужжат, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий соҳаларда ҳамкорликка оид умумий қиймати 9,5 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган битимлар имзоланган.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий инвестициявий ва технологик ҳамкорларидан. Мамлакатимизнинг кўп йиллик ишончли шериклари – Жанубий Кореянинг "ЖиЭм-Корея", "Кореан Эйр", "КОГАЗ", "Лотте", "ЖиЭс", "Поско-Дэу", "Самсунг", "Шингдонг", "Колон" каби етакчи компаниялари билан ҳамкорликда нефть-газ, электротехника, тўқимачилик соҳалари, қурилиш материаллари ва фармацевтика препаратлари ишлаб чиқариш борасида йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилган ва бу ҳамкорлик изчил давом этмоқда.

Корея Республикасининг Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Жанубий Корея инвестицияси иштирокида ташкил қилинган 440 корхона фаолият юритмоқда, 77 компанияси ваколатхоналари очилган.

Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Аннинг жорий йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси очилгани ва бу завод мамлакатларимиз ўртасидаги инвестициявий ҳамкорликнинг амалдаги ифодаси бўлганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Жанубий Кореянинг техник кўмагида Ўзбекистон Республикасида "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, ушбу соҳа мутахассисларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. "LG CNS" компанияси билан 2014 йил июнь ойида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга мувофиқ ташкил этилган "LG CNS Ўзбекистон" қўшма корхонаси "Электрон ҳукумат" тизими ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори учун ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш борасида фаолият юритмоқда.

Хон Юн Сук самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎзА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Оқил Ғуломов (ЎзА) олган сурат

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ҲАРБИЙЛАР УЧУН ЯНГИ УЙ

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳарбий хизматчилари оилаларига мўлжалланган 64 хонадондан иборат тўрт қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника, етук мутахассислар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишда юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 14 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун кўплаб замонавий уй-жойлар, ётоқхоналар, таълим муассасалари, спорт мажмуалари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Юнусобод туманидаги "Янги шаҳар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида барпо этилган янги кўп қаватли турар жой навбатдаги ана шундай иншоотлардан бири бўлди. "Арба" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан сифатли барпо этилган янги уйда чегарачилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Уй олдида спорт зали, бассейн, болалар учун замонавий ўйин майдончаси қурилган.

– Янги уйга кирибоқ хоналарни зумда айланиб чиқдим, – дейди ЎзА мухбирига МХХ чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси М.Латиповнинг турмуш ўртоғи О.Ражабова. – Ошхона, меҳмонхона, ётоқхона... Ҳаммаси кенг ва шинам. Бундай ярқираган уйда яшашни ким ҳам орзу қилмайди, дейсиз. Рости, ҳарбий хизматчининг аёли бўлганимдан яна бир бор фахрланиб кетдим!

2004 йилдан буён чегара қўшинлари сафида хизмат қилаётган Санжар Ражабов Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилган. Болалигидан ҳарбий бўлиш орзусида ўсган Санжар муддатли ҳарбий хизматда юрганида жисмоний ва жанговар тайёргарликни пухта ўзлаштирди...

Янги уй Ражабовлар хонадонига ҳам бир олам қувонч бағишлади.

– Ўғлимни энг улуғ, энг азиз айём – мустақиллик байрами билан табриклаш учун келгандим, – дейди кичик сержантнинг отаси Илҳом ака. – Қўшалоқ шодиёнанинг устидан чиқиб қолдим. Янги уйнинг кўркам қадду бастини, хоналарнинг кенг ва шинамлигини, келиним ва набирам учун барча шароит яратилганини кўриб, бошим осмонга етди. Инсон учун болалари камолини, саодатини кўришдан ортиқ толе бўлмаса керак.

Тадбирда санъаткорлар томонидан концерт намойиш этилди.

Д.КАРИМОВ

ХАЙРЛИ ВА ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

20-21 АВГУСТ КУНЛАРИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Юртимизда байрамлар ва қутлуғ кунлар олдидан ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ораставликка муҳим эътибор қаратган ҳолда ҳашарлар ўтказиш хайрли одатга айланган.



Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, пойтахтимизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда "Соғлом она ва бола" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 20-21 август кунлари юртимизда, шу жумладан пойтахтимизда умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Маълумки, шаҳримизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги эълон қилинган. Шу ой давомида кекса ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш, барча турар жой мавзелари, маҳаллаларда дарахтларни оқлаш ва буташ, кўча ҳамда йўлакларни текислаш, тартибга келтириш, умумхалқ ҳашари қатнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ҳашар мобайнида турар жой мавзелари, кўчалар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва бошқа ҳудудлар тозаланади. Ободонлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларни белгиланган жойларга олиб чиқилиши таъминланади.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Эзгу ва хайрли ишларга ҳар биримиз, оиламиз ва фарзандларимиз билан биргаликда бош қўшсак масканимиз обод, кўнглимиз шод бўлади.

Кеча спортчиларимиз XXXI Олимпиада ўйинларида муваффақиятли одимларини давом эттириб, яна бир кумуш медални қўлга киритдилар.

Rio2016

МЕДАЛЛАРИМИЗ СОНИ КЎПАЙМОҚДА

69 килограммгача бўлган вазнли спортчилар баҳсида ғалаба учун кураш олиб борган чарм қўлқоп устамиз Шаҳрам Ғиёсов бирин-кетин Испания, Литва, Куба ҳамда марокашлик кучли рақибларини енгиб финалга чиқди. Эътиборга лойиқ томони шундаки, боксчимиз юқоридаги барча рақибларини 3:0 ҳисобида яққол устунликда енгди. Кубалик рақиби Рониель Иглесиас эса Лондон Олимпиадаси ғолиби эди.

Жуда кескин ва муросасиз кечган финал баҳсида Шаҳрам Ғиёсов ва қозоғистонлик Данияр Елеусиновлар бор куч-маҳоратларини ишга солишди. Фақат бу гал кичик устунлик билан 2:1 ҳисобида қозоғистонлик спортчининг қўли баланд келиб, шоҳсупа тўридан ўрин олди, Шаҳрамга кумуш нишон насиб этди.

Кеча, шунингдек, яна бир боксчимиз Шаҳобиддин Зоиров 52 килограммгача бўлган вазн тоифасида ўз рақибини ортда қолдириб, ярим финалга йўлланмани қўлга киритди.

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қувасой шаҳрида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида Фарғона вилояти халқ таълими тизими ходимларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда тизимда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

● Самарқандда "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 жамоа иштирок этди.

● Термизда ҳуқуқий давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Германиянинг Ф.Эберт номидаги жамғармаси кўмагида ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

● "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичида ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, рассомлар 30 дан ортиқ ижодий иши билан қатнашди.

● Андижонда "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Барча номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Фавқулодда вазиятларда шошилинч жавоб кўрсатиш фондидан Яман ва бешта Африка мамлакатига гуманитар операцияларни молиялаштириш учун қўшимча 50 миллион доллар ажратилди. Маблағнинг катта қисми сиёсий беқарорлик, озиқ-овқат тақчиллиги ва касалликлар ҳукм сураётган ҳудудлар ўртасида тақсимланади.

● АҚШнинг Калифорния штати ўрмонларида юзага келган ёнғин оқибатида штатнинг икки округида фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Бу ерда 200 дан ортиқ аҳолининг уйи ёниб кетди. Ёнғин айниқса, Лоуэр Лейк шаҳарчасига катта талафот келтирди. Луизиана штатида эса кучли жала ва тошқин оқибатида етти минг аҳоли хавфсиз жойга кўчирилди.

● Жорий йилнинг июль ойи бутун дунё кузатувлари бўйича тарихдаги энг иссиқ ой дея қайд этилди. НАСА экспертлари июль ойи саноат даврига қадар бўлган ўртача об-ҳаво кўрсаткичларидан Цельсий бўйича 1,3 даражага иссиқ бўлганини маълум қилишди.

ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОҲОТ, ИСТИҚБОЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг 2 июнида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида, истиқлол шарофати билан эришган ютуқларимиз қаторида қуйидаги уч муҳим соҳа ҳам алоҳида қайд этилди.

Биринчиси шуки, жамиятимиз ҳаётини бутунлай ўзгартирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш ва бошқа умуммиллий дастурларимизни амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ўн икки йиллик мажбурий ва бепул, умумий ва ўрта махсус таълим тизимига, икки босқичли олий таълим тизимига асос солиниб, замонавий янги авлод кадрларини тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани Ўзбекистонимизнинг жаҳон майдонида рақобатдошлигини таъминлашнинг ишончли замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчиси шундан иборатки, биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун амалга оширилаётган улкан ишларга алоҳида аҳамият беришимиз лозим. Жумладан, давлат бюджетимизнинг социал соҳаларга йўналтирилган йиллик харажатлари изчил ошиб бораётир, биргина 2015 йилда ушбу рақам 60 фоиздан ортди, булар айнан шу борадаги кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий натижаси ҳисобланади.

Учинчиси шуки, олиб борилаётган давлат сиёсати моҳиятида ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсади ётибди. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилди, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди. Бугунги кунда 2 миллионга яқин фарзандимиз болалар спортининг 30 дан ортиқ тури билан шуғулланяпти. Бунинг ярмига яқини – қизлар.

Бу масалаларнинг бирортаси ўз-ўзича амалга ошиб кетаверадиган ишлар эмас. Бунинг учун изчил сиёсат олиб борилди, олдиндан ўйланган пухта-пишиқ режалар тузилди, катта куч ва меҳнат, етарли маблағ сарфланди. Таълимга сарфланган маблағ ҳеч қачон беҳуда кетмаслиги, ҳамиша юксак самара бериши ҳақидаги фикр қатъийлашди. ***"Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади"***, – деб ёзган эди Президентимиз ўзининг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" асарида.

Одамларнинг онги, тушунчаси, билим-савиясини ўзгартирмай, уни замонавийлаштирмай туриб янги жамиятни барпо этиб бўлмайди. 1997 йилнинг 29 августида **"Таълим тўғрисида"**ги қонун қабул қилинди. Ўша куни кўлами, микёси, қамрови ва мақсадлари бўйича ноёб **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** ҳам қабул қилинди. Бу икки ҳужжат ушбу муҳим соҳада чуқур ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мамлакатимизда таълим тараққиётининг шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ҳамда маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳаси сифатида қонунан белгилаб қўйилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида мамлакатимизда узлуксиз таълимнинг янги механизми ишлаб чиқилди. Жумладан, 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Бунинг биринчи босқичини 9 йиллик умумий ўрта таълим мактаби ташкил этади. Иккинчи босқичда эса ёшларимиз академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларида таълим олади.

Таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида 2004 – 2009 йилларда ижроси таъминланган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Бу Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий давоми эди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида амалда мамлакатимиздаги 10 мингга яқин умумий ўрта таълим мактаби ҳаммасининг ҳолати яхшиланди. Бир қанча янги мактаблар қурилди, айримлари реконструкция қилинди, таъмирланди, барчасининг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланди.

Шу тариқа мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам пойдевор яратилди. Бинобарин, истиқлол йилларида таълим тизимини тубдан янгилаб, уни замон талаблари даражасига кўтариш мамлакатимизда маънавий ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил этиб келяпти.

Президентимизнинг 2011 йил 20 майда имзоланган "Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам шу йўлдаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давом этаётганидан далолат беради. Шу қарор асосида 2011 – 2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техникавий базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Дастур маъқулланди.

2012 йил 17 февралда Тошкентда халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган бой тажриба билан кенг таништириш мақсадида **"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти"** мавзусида халқаро конференция ўтказилди. У узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди.

Таълим соҳасини ислоҳ қилиш – давр талаби. Бугунги кунда юртимизда таълим муассасаларини замон талаблари асосида тинимсиз такомиллаштириб бориш сиёсати олиб бориляпти. Бинобарин, 2012 йил 10 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони,** шу йилнинг 28 майида **"Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори,** 24 июлда **"Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони,** 10 декабрдаги **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори,** 2015 йилнинг 12 июнида **"Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида",** 2016 йилнинг 13 майида **"Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонлари** қабул қилинди.

Ким эдигу ким бўлдик?

КЕЛАЖАК АВЛОДГА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Шу тариқа замон кун сайин таълим тизими олдига янги-янги вазифалар қўймоқда. Бизда фан ва таълим, таълим ва тарбия, таълим ва ишлаб чиқаришни бирга, узвий алоқадорликда олиб бориш анъанаси изчил йўлга қўйилган. Бу эса ўзининг самарали натижаларини бермоқда.

1997 йилдан бошлаб 1 октябрни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни сифатида нишонлаш бошланди. Ҳар йили ана шу байрам муносабати билан бир гуруҳ таълим-тарбия соҳаси фидойиларига давлат мукофотлари берилади.

Мустабид даврда Ўзбекистонимизда миллий таълим тизими жорий этилмаган, ҳамма нарса ҳукмрон мафкура манфаатларига бўйсундирилган, аниқроғи, собиқ марказнинг мустамлакачилик мақсадларига қаратилган эди. Мактаб фаолиятида тоталитар тузумнинг ёрқин намунасини кўрар эдик. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришганимиздан кейин таълим тизимини ҳар тарафлама, яъни ҳам шаклан, ҳам мазмунан ислоҳ қилиш – янгилаш шарт эди. Энг муҳим жиҳати шундан иборатки, бизда таълим билан тарбия ўзаро узвийликда, яъни бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориляпти.

Тарбия тушунчасига ёшлар саломатлиги масаласи ҳам киради. Бизга жисмонан соғлом, маънан етук, замон талаблари даражасидаги маърифатли ёшлар керак. ***"Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлод – бизнинг энг катта бойлигимиз"***, *деган эди бу ҳақда давлатимиз раҳбари.*

1991 йилдан буён мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими 3 баравар камайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, оналар ва болаларга зарур даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши керак. Ўзбекистонимизда бу кўрсаткич фақат шаҳарларимиздагина эмас, балки қишлоқларда ҳам халқаро стандартларга тўла мос келади. Шу ва бошқа кўрсаткичлар бўйича **Ўзбекистонимиз "Save the children" ("Болаларни асрайлик") ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди.**

1998 йилнинг *"Оила йили"*, 1999 йилнинг *"Аёллар йили"*, 2000 йилнинг *"Соғлом авлод йили"*, 2001 йилнинг *"Она ва бола йили"*, 2005 йилнинг *"Сиҳат-саломатлик йили"*, 2007 йилнинг *"Ижтимоий ҳимоя йили"*, 2008 йилнинг *"Ёшлар йили"*, 2010 йилнинг *"Баркамол авлод йили"*, 2012 йилнинг *"Мустаҳкам оила йили"*, 2014 йилнинг *"Соғлом бола йили" ва* 2016 йилнинг *"Соғлом она ва бола йили"* деб номланиши ва шу асосда Давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг изчил ижроси таъминланиши замирида ҳам ёшларга ғамхўрликнинг юксак даражасини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** 2009 йил 13 апрелдаги, **"2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"** 2009 йил 1 июлдаги Қарорлари ижросини таъминлаш борасида кўп эзгу ишлар қилинди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида ишчи комиссиялари ташкил этилган ва улар қошида махсус жамоатчилик кенгашлари ва ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

2011 йилнинг 26 ноябрь куни Тошкентдаги "Маърифат маркази" мажмуасидаги Симпозиумлар саройида **"Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола"** мавзусида халқаро симпозиум ўтказилди. Унда дунё Ўзбекистон тажрибаларини ўрганди ва тан олди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонимизда аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73,4 ёшгача, жумладан аёллар орасида 70 ёшдан 75,4 ёшгача узайди. Оналар ҳамда гўдакларнинг ўлими тегишли равишда 3,1 ва 3,2 маротабага камайди.

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 10 дан ортиқ қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 дан зиёд Фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг юздан ортиқ қарори қабул қилингани бу соҳага давлат томонидан берилаётган эътиборнинг яққол далолати ҳисобланади.

Аввало, тиббий онг ўсди. Одамларимизнинг ўз соғлиғига биринчи галда ўзи масъул эканини англаб етиш даражаси кескин ошди. Тиббиёт соҳасини замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозлашга киришилди. Соҳага жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини олиб киришга жиддий ҳаракат бошланди. Тиббий кадрлар тайёрлашнинг тамоман янги, жаҳон стандартларига мос тизими жорий этилди. **Истиқлол инсон саломатлиги – бош мезон эканини амалда исботлади.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизда туғиш ёшидаги ҳар бир аёл ҳам, дунёга келган ҳар бир чақалоқ ҳам тиббий назоратда. Очиғини айтганда, соғлом она ва бола сиёсати замирида сон учун эмас, сифат учун кураш амалга ошириляпти. Ватанга ҳар тарафлама етук, соғлом кадрлар керак. 11 бўлим, жами 88 банддан иборат "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг изчил ижросини таъминлашдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам – шу. Бу Дастур моҳиятан мамлакатимизда халқимизнинг асрий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ***"Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади"***, деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб ғоя жамиятда чуқурроқ англаб етилишига ва қарор топишига йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини қамраб олган.

Мамлакатимизда таълим-тарбия, тиббиёт, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бу соҳаларга маблағ сарфлаш, муассасалари моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, уларни замон талаблари асосида қайта жиҳозлаш даражасини юксалтириш, ижтимоий инфратузилма объектларини жадал тараққий эттириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тозалаш тизимлари билан таъминлаш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Ана шу мақсадлар учун ўтган 2015 йили давлат бюджети жами харажатларининг қарийб 60 фоизи йўналтирилди. Бу ундан олдинги йилдагига нисбатан 4 триллион 100 миллион сўм ёки 22,5 фоиз кўп деган гап. Жумладан, таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришга 34,3 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимига 14,2 фоиз маблағ сарфланди.

Аҳоли, хусусан, ёшларимиз соғлиғини мустаҳкамлашда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишнинг аҳамияти – катта. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида бу соҳага алоҳида эътибор қаратилди. Спорт иншоотларини ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Спорт – мамлакатни тез машҳур қиладиган соҳалардан биридир. **Айнан спорт соҳасида ҳам Ўзбекистонимиз ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда исботлади.** Кейинги йилларда ҳар йили спортчиларимиз кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиб, минглаб медални қўлга киритишяпти. Шунинг тўртдан биридан кўпроғи – олтин медаль экани ҳаммамизни ғурурлантиради. Масалан, 2014 йилнинг кузида Жанубий Кореяда бўлиб ўтган, 45 давлатдан 13 минг спортчи қатнашган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 61 та, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритди. Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси энг кучли 10 та мамлакат қаторидан жой олди. Шу кунларда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтаётган ёзги Олимпиадада спортчиларимиз эришаётган улкан муваффақиятлар ҳам юртимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътиборнинг яққол ифодасидир. Зеро, ҳозирга қадар юртдошларимиз Олимпиадада иккита олтин, битта кумуш медални қўлга киритишди, қатор бронза нишонларининг соҳиби бўлишди.

Биз эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш ёш авлодимизни янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етказишни энг муҳим ишларимиздан деб биламиз. *Ёшларни жамият келажагининг ҳал қилувчи кучи сифатида тайёрлашни ўзимизнинг устувор вазифамиз,* деб кун тартибига қўйганимиз вақт ўтиши билан нақадар узоқни кўзлаган тарихий қадам бўлгани тобора ойдинлашмоқда.

Олим МАҲМУДОВ

КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН ЯНА БИР ИМТИЁЗ

Солиқ сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишларида ўтган йилларда бўлгани каби тадбиркорлик субъектларига қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, солиқ солиш механизмини соддалаштиришга қаратилган солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ автомобиль транспорти соҳасида фаолият юритувчи кичик корхоналар ходимлари сонини 25 тадан 50 тагача оширган ҳолда кичик бизнес субъектларига имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Бугунги кунда, Тошкент шаҳрида асосий фаолият тури "Автомобиль хўжалиги" бўлган 400 дан ортиқ юридик шахслар рўйхатга олинган бўлиб, эндиликда уларнинг ҳар бирида ишловчи ходимлар сонини 50 тагача ошириш ҳамда 10 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш имконияти мавжуд.

Хусусан, мазкур имтиёзга қадар йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан бири "Tur-Amir Avto" масъулияти чекланган жамияти ўтган йилнинг мос даврида 19 та автомобиль ва 24 та ходим билан фаолият олиб борган бўлса, бугунга келиб мазкур корхонада автомобиллар сони 34 тани ташкил этиб, жами 36 та ҳайдовчилар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бу эса ўз навбатида, аҳоли бандлиги ва корхоналар иш унумдорлигининг ошишига ҳамда давлат бюджетига йўналтириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари



Замонавий технологиялар – ривожланиш омили

Ислом Исмоилов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш соҳасида Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳамкорлиги форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, масъул ходимлари, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, савдо, сармоя, иқтисодиёт, архив, интеллектуал мулк, таълим, суд-ҳуқуқ каби соҳаларга ихтисослашган вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари, илмий тадқиқот марказлари вакиллари, етакчи экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ганиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Маннон Алиев, Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сук, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида ҳар томонлама ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзаро манфаатли алоқалар барча соҳаларни қамраб олган. Хусусан, турли жабҳаларга юқори технологияларни жорий этиш борасида фаол ҳамкорлик қилинмоқда. Жанубий Корея мутахассислари ва ишбилармонлари иштирокида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари, давлат бошқаруви тизимига замонавий технология ва ноу-хаулар жорий этилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасини ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини кенг жорий этишда Жанубий Корея билан ҳамкорлик қилинаётгани бежиз эмас. Зеро, Корея Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланади. Жанубий Кореянинг ялпи ички маҳсулотида ахборот-коммуникация технологияларининг улуши 11,8 фоиздан зиёдни ташкил этади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонунига мувофиқ бунга ҳуқуқий асос яратилди. 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури асосида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари изчил жорий қилинмоқда. Ахборот ресурслари, тизимлари ва тармоқларининг яратилиши жадаллашиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сони ва сифати ошмоқда.

Бу жараёнларнинг барчасини ўзида жамлаган "Электрон ҳукумат" тизими давлат ва жамият ўртасидаги алоқаларнинг муҳим воситасига айланаётир. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар салмоғи ошиб бормоқда. Бу жараёнда коммуникация тармоқлари техник ва технологик қайта жиҳозланиб, интерактив хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикаси Фан, ахборот-коммуникация технологиялари ва келажакни режалаштириш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази ташкил этилган. Мазкур марказ ахборотлаштириш миллий тизими шаклланишида муҳим ўрин тутмоқда. Жанубий кореялик мутахассислар юртимизда "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашмоқда. Соҳада ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилгани ўз самараларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таълим халқаро стандартларга мувофиқ, замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида олиб борилмоқда. Академия кўплаб давлатлар қатори Жанубий Кореянинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Тошкент шаҳрида фаол ва самарали иш юритаётган Жанубий Кореянинг Инха университети филиалида талабалар дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларини бошқариш бўйича халқаро стандартлар даражасида таълим олмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурида "Электрон ҳукумат" ўқув маркази, Ўзбекистон – Жанубий Корея ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда. 2012 йилнинг октябридан ахборотлаштириш соҳасида Ўзбекистон – Жанубий Корея кенгаши фаолият юритмоқда.

Форумда меҳмонларга мамлакатимизда "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш ва давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, АКТ соҳасини ривожлантириш, бу йўналишда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Жанубий кореялик мутахассислар Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, технологиялар ва инфратузилмаларни ривожлантириш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида олиб борилаётган ишларни юксак баҳолади.

– Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик тобора мустаҳкамланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради, – деди Хон Юн Сук. – Олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг изчил ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Ташрифимиз доирасида "Навоий" интермодал логистика марказида бўлиб, Ўзбекистоннинг иқтисодиёти барқарор ривожланаётганига гувоҳ бўлдик. Мазкур форум давлат бошқаруви соҳасида икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш ва уни янада ривожлантириш, соҳанинг турли йўналишлари бўйича фикр ва тажриба алмашиш, ноу-хауларни жорий этиш, мамлакатларимиз иқтисодий қудратини янада оширишга хизмат қилади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этаман.

Форумда мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланилаётгани қайд этилди.

Тадбир иштирокчилари давлат бошқаруви соҳасини янада ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш, электрон ҳужжат ва ахборот алмашиш, архив ҳужжатларини сақлаш, рақамлаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

"Ўзархив" агентлиги билан Корея Республикаси Миллий архиви ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукка Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Фахрий доктори унвони топширилди.

Корея Республикаси делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

Яшнобод туманининг "Беҳизор" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш борасида пухта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

КЎНГИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

Маҳалла ҳудудида катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, хонадонлар атрофи тозаланди, мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Маҳаллада бугунги кунда 4 минг 300 дан ортиқ аҳоли аҳиллиқда истиқомат қилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Минаввархўжаевнинг таъкидлашича, мустақиллик йилларида маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилиб, барча шарт-шароитлар яратилган.

Яқинда маҳалла фаоллари иштирокида мустақиллик, тинчлик ва осойишталик қадри мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар 25 йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар моҳияти юзасидан фикр юритишди. Сўнгра иштирокчилар байрам дастурхонига таклиф этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларига совғалар улашилди.

— "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилаётган бугунги тадбирга маҳалла фаоллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакилларини таклиф этдик, — дейди йиғин фаолларидан бири, педагогика фанлари номзоди, доцент Шаҳрихон Мирзаахмедова. — Ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон давлатини тан олди. Унинг "ўзбек модели" деб ном олган ривожланиш йўлидан боҳабар бўлди. Ана шу тарихий жараёнда эришилган асрларга татигулик ютуқлар, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, аҳамияти барчамизга маълум. Тинчлик бор экан, кўнглимиз хотиржам, ҳар куни эрталаб эмин-эркин ишга, ўқишга, ўз юмушларимизга отланамиз. Тинчлик барқарор экан, юртимизнинг турли ҳудудларида ободончилик, бунёдкорлик ишлари бардавомдир. Осойишталик ҳукмронки, фарзандларимиз замонавий таълим масканларида таҳсил олиб, илм-фан чўққиларини эгаллашаяпти, фан, спорт соҳаларида мислсиз ютуқларни қўлга киритмоқда. Юртимиз осойишта экан, ҳар куни байрам, ҳар куни шодиёна, дунёнинг турли бурчакларидан келган меҳмонлар мамлакатимиздаги аҳиллик, барқарорлик ва тараққиётга ҳавас билан қарамоқда.

Тадбирда эл ардоғидаги санъаткорлар томонидан қўйқўшиқлар янгради. Бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурилди.

З. ШАРИФЖОНОВ



ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида давра суҳбати ташкил этилди.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Нурматова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.

"Соғлом она – соғлом бола" тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва маънавиятини юксалтириш, қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка жалб қилиш ишлари янада кенг кўлам касб этмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан барча вилоят ва туманларда битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашувчи штаблар ташкил этилди. Маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган "Бандлик секторлари" орқали тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган қарийб 17 минг 700 битирувчи қизга ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ўз бизнес лойиҳасини шакллантиришда кўмак берилди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш юзасидан бир қатор тадбирлар, ижтимоий акциялар, турнирлар ташкил этилди. "Гимнастика барча учун", "Отам, онам ва мен – спортчи оила", "Спорт нафислик ва саломатлик манбаи", "Олимпиада умидлари" каби мусобақалар шулар жумласидан.

Давра суҳбатида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни янада изчиллик билан бажариш борасидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунлари ижроси юзасидан маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Тошкент шаҳар ва Миробод тумани ҳокимлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбир аввалида Миробод тумани ҳокими Шарофиддин Қодиров томонидан туман миқёсида олиб борилган бунёдкорлик ишлари, асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича эришилган натижалар, ижтимоий соҳа объектларидаги реконструкция ҳамда капитал таъмирлаш ишлари, туманда барпо этилиши кўзда тутилган соғломлаштириш масканлари ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги ўзгаришлар, янги иш ўринларини яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари хусусида атрофлича ахборот берилди.

Жумладан, туманда 39 та маҳалла ва 756 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи 319 та ХУЖМШ ва 17 та бошқарув компаниялари, "Миробод деҳқон бозори" ва унинг шохобчаси ҳамда бир нечта йирик савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари фаолият кўрсатиб келаётганлиги билдирилди.

Шунингдек, туманда 22 та тижорат банк филиаллари, ижтимоий соҳа объектларидан 6 та олий ўқув юрти, 16 та умумтаълим мактаблари, 26 та мактабгача таълим муассасаси ва 7 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 5 та академик лицейлар, 16 та шифохона, 2 та боғ ва 4 та дам олиш маскани мавжуд.

Туман ҳокими ўз сўзида ишлаб чиқариш соҳасига тўхталиб, йирик корхоналар сони 11 тани, рўйхатга олинган юридик шахслар 5 000 тани, шундан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 3 858 тани, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 555 тани ташкил этишини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2015 йил 3 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"га асосан туман бўйича йил давомида 9347 та янги иш ўрни яратиш бўйича ибратли ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари тумандаги умумтаълим мактаблари, оилавий поликлиникалари, мактабгача таълим муассасаларида режа асосида реконструкция, капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Қўйлиқ даҳасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Енгил атлетика ва спорт ўйинларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётгани, жорий йилнинг ноябрь ойида, яъни муддатидан икки ой олдин уни фойдаланишга топшириш кўзда тутилаётганлиги билдирилди.

Матбуот анжумани сўнгида журналистлар томонидан берилган барча саволларга атрофлича жавоблар берилди.

(Ўз мухбиримиз)

ФАОЛ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан 5-оилавий поликлиникада мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб, "Соғлом она ва бола" йилида "Аёллар соғлиғи – жамият бойлиги" лойиҳаси доирасида "Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли – 2016" кўрик-танловининг туман босқичи ташкил этилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббуслари ва ғояларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш орқали партия сафига фаол аёлларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида ўтказилган кўрик-танловда турли соҳа вакиллари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини ошириш сектори мудири Гулчеҳра Азизова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар, партия томонидан аёлларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун муносиб шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бермоқда, — дейди Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Шаҳзода Қурбонова. — Айни вақтда давлат идоралари бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият каби турли соҳаларда опа-сингилларимиз самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этиш жоиз.

Иштирокчилар белгиланган шартлар асосида беллашиб бўлгач, баллар умумлаштирилди ва ғолиблар эълон қилинди. Кўрик-танлов ғолиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда миллий ва халқаро ҳамкорлар томонидан Нодавлат телерадиоузатувчилар учун ташкил этилган медиа-кунлар ўз якунига етди.

Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг ижодий ва техник ходимлари учун чин маънодаги тажриба майдонига айланган медиа кунлар доирасида Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида йирик медиа лойиҳалар ўтказилиб, унда халқаро ташкилотлар, Германия, Франция, Литва, Болгария, Чехия, Россиядан ташриф буюрган халқаро экспертлар иштирокида турли тақдимотлар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилди.

Жумладан, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда болалар студиясини ташкил этишга қаратилган семинар-тренинг ҳам бўлиб ўтди.

— Семинарнинг иккита асосий мақсади бор. Биринчиси, болалар ҳаётига оид ижтимоий медиа-лойиҳаларни яратиш, иккинчиси, болалар теледастурларини янада ривожлантириш, сифатини яхшилашдир, – дейди ташкилотнинг коммуникацияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси, мураббий Барбара Франклин.

Яна бир муҳим тадбирлардан "Мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида нодавлат электрон ОАВнинг ролини ошириш: Ўзбекистон тажрибаси" мавзусидаги халқаро семинар мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолди. Унда кенг жамоатчилик, шу жумладан халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистонда ахборот соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг моҳияти ва қонуний ўзаро боғлиқлиги, ОАВнинг жамиятдаги роли ва аҳамиятини ошириш борасидаги миллий қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, шунингдек, электрон ОАВнинг нодавлат сегментини ривожлантириш учун яратилган шароитлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди.

Самарқандда ўтказилган тадбирлардан сўнг иштирокчилар ва меҳмонлар Тошкент шаҳрига қайтишди ва мамлакатимизнинг миллий нодавлат телерадиоузатиш соҳасининг инфратузилмаси ривожининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, нодавлат электрон ОАВнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти ва техник имкониятлари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Пойтахтдаги тадбирларни анъанавий "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали давом эттирди.

Нигина ҲАКИМОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 20 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 16 июлдаги ҳукми асосида берилган №19516/5-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2011 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 627 QBA, сариқ рангли, "SHACMAN SHANXI" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 244 765 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160-уй.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 сентябрь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан суд департаменти бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99890725-88-80.**

Гувоҳнома №4621

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Миробод туман СИБ томонидан, ФИБ Миробод туманлараро судининг 16.05.2016 йилдаги 1-1170/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Иноқобод кўчаси, 11-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 255,69 кв.м. бўлган уй-жой қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 201 450 992 сўм.**

Аукцион савдолари 2016 йил 23 сентябрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 21 сентябрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo'li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000000433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИ

Республика ИИВ Қоровул қўшинлари бош бошқармасига қарашли ҳарбий қисмда ташкил этилган тадбир тинчлик-осойишталик қадри, ёт оқимларга қарши кураш, мустақиллик улуғ неъмат эканлиги мавзусига бағишланди.

Тадбирда Яшнобод туман Маънавият тарғибот маркази, туман бош имом хатиби, Тошкент ҳарбий округ прокуратураси вакиллари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этдилар.

Учрашувда сўзга чиққанлар юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар самараси, бугунги тинчликнинг қадрига етган ҳолда доимо огоҳ ва сергак бўлиш каби жиҳатларга тўхталдилар.

— Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик, иқтисодий ривожланиш ва барқарорлик, бунёдкорлик ишлари ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, унинг қадрига етмоқ лозим, — дейди Маънавият тарғибот маркази Яшнобод туман бўлими бош мутахассиси М.Турғунова. — Агарда тинчлик-осойишталик бўлмаса, биз орзу қилган ва интилаётган фаровон ҳаётни қуриб бўлмайди. Айрим хориж давлатларида бўлаётган урушжанжаллар, хунрезликлар, ур-йиқитларни ОАВ орқали кўриб билиб турибмиз, бу воқеалар бизни янада ҳушёр бўлишга, огоҳликка чорлайди.

Тадбирда терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик каби иллатларни келтириб чиқарувчи салбий оқибатлар пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар, ёшларимизни ёт ғоялардан асраш омиллари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қ.ЗОКИРОВ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Яшнобод тумани 1-сонли ДНИ катта нотариуси Шукирилло Акбаровга акаси

Ҳасан Лутфуллаевич АКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган суратлар

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Республика ихтисослаштирилган сув спорти саройида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика сузиш федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб 11-14 ёшли ўсмир қизлар ўртасида сузиш бўйича мусобақа ташкил этилди.

Маҳаллаларда спорт тоифаларига эга бўлмаган ҳаваскор қизлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмонан бақувват, маънан баркамол бўлишларига ёрдам бериш мақсадида ўтказилган мазкур мусобақада пойтахтимизнинг барча туманларидан 110 нафар ҳаваскор спортчи қизлар қатнашди.

— Таъкидлаш жоизки, ёшларни, айниқса қизларни жисмонан бақувват, баркамол ва соғлом бўлиши, чиниқиши, умумий иш қобилиятининг ўсишида бу каби мусобақаларнинг ўрни ва аҳамияти катта, — дейди Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ахборот хизмати раҳбари Гулруҳ Дониёрова. — Бир сўз билан айтганда келажакда халқаро майдонда диёримиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган ёшларимиз сафи янада кенгайишига хизмат қилади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси аёллар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш, уларни оммавий тарзда спорт билан шуғулланишларини таъминлаш, айниқса ёш қизларни спорт билан оммавий тарзда шуғулланишларига эришиш, спорт соҳасидаги мураббий аёллар билан ишлашни кучайтириш, спортчи талаба қизларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янги босқичга кўтариш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқди. Бундан ташқари, юртимизда аёллар спортини оммавийлаштириш ва ривожлантириш мақсадида, жорий йилнинг 21-25 сентябрь кунлари Тошкент шаҳрида синхрон сузиш спорт туридан "Сув париси" халқаро турнирини ўтказиш режалаштирилган.

Мусобақанинг очилишида юртимизда халқимиз, айниқса, хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шароитларни яратиш, спортнинг нафис турларини ривожлантириш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

— Сузиш билан бир йилдан бери шуғулланаман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 316-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Зилола Ўткурова. — 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийим Ирода опа сузиш сирларини ўргатиб келмоқдалар. Сузишнинг ижобий таъсирини ўзимда ҳис қилдим. Қадди-қоматим яхшиланди. Саломатлигим тикланди. Мусобақада ҳам катта қизиқиш билан иштирок этдим. Дугоналар ортирдим.

Мусобақада сузишнинг турли йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Зарина РУСТАМОВА

Спорт янгиликлари

АСОСИЙ РАҚИБ АНИҚЛАНДИ

Эрон миллий терма жамоаси Россияда бўлиб ўтадиган 2018 йилги жаҳон чемпионати учинчи саралаш босқичининг илк ўйинларига бош мураббий Карлуш Кейруш қўл остида тайёргарликни бошлаб юборди.

Учинчи саралаш босқичидаги асосий рақибимиз ҳисобланувчи форслар терма жамоаси Италия йиғинида иштирок этадиган 25 нафар футболчидан иборат таркибни эълон қилди. 2014 йилдаги жаҳон чемпионатида анчайин мазмунли ўйин кўрсатган эронликлар гуруҳдаги Қатар ҳамда Хитой терма жамоаларига қарши ўйинларга Италиядаги йиғин орқали тайёргарлик кўради.

Эрон терма жамоаси устози Европага жўнаб кетиш олдидан Теҳрондаги "Озодий" стадиони анжуманлар залида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди ва йиғинга жалб этилган футболчилар номини эълон қилди.

Айнан Италиядаги йиғиндан сўнг Қатар ҳамда Хитойга қарши ўйинлар учун якуний таркиб саралаб олиниши маълум қилинди.

Тошкентда Осиё футбол конфедерацияси ҳамда Ўзбекистон футбол федерацияси ҳамкорлигида "С" тоифали мураббийлик лицензияси учун ўқув-семинар курслари бошланди.

ЎҚУВ-СЕМИНАР КУРСЛАРИ БОШЛАНДИ

Бу сафарги ўқув курсларида жами бўлиб 24 нафар мураббийликка номзодлар иштирок этмоқда. Эътиборлиси, улар орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси собиқ ҳамда амалдаги аъзолари – 44 ўйинда мамлакатимиз бош жамоаси дарвозасини қўриқлаган Павел Бугало, миллий терма жамоа сафида ўтказган ўйинлари сони бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган (119 ўйин) Темур Кападзе ҳамда ҳозирга қадар терма жамоа сафида 116 ўйинда майдонга тушиб, 25 голга муаллифлик қилган Сервер Жепаров ҳам бор.

Ушбу ўқув курси 25 августга қадар давом этади. У ўзбекистонлик Осиё футбол конфедерацияси инструктори Ислом Аҳмедов томонидан олиб борилмоқда. Координатор — Ўзбекистон футбол федерацияси техник бўлими бошлиғи Шавкат Имомов.

Ботир ХЎЖАЕВ

ҲАКАМЛАР РЎЙХАТИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Маълумки, жорий йилнинг 6 сентябрида Қатар пойтахти Доҳа шаҳридаги "Жассим бин Ҳамад" стадионида футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг учинчи босқичи 2-туридан ўрин эгаллаган Қатар – Ўзбекистон миллий терма жамоалари ўртасидаги учрашув бўлиб ўтади.

Ушбу беллашувни бошқариб борадиган ҳакамлар рўйхати эълон қилинди. Унга кўра Қатар – Ўзбекистон миллий терма жамоалари баҳсини баҳрайнлик ҳакамлар бригадаси бошқариб боришади. Ўйинни ФИФА референси Али Ҳасан Иброҳим Абдулнабий бош ҳакам сифатида бошқарса, қанотларда унга ватандошлари Муҳаммад Жаъфар Муҳаммад Салмон ва Наваф Шахин Халифа Муса ёрдам беришади. Абдулҳусин Жамил Жумага тўртинчи ҳакамлик вазифаси юклатилган. Ҳакамларга фаластинлик Микаэл Ханания назоратчилик қилади. Хитой Тайпейи вакили Чин Фан Чуанг баҳсга комиссар этиб тайинланган.

ФИФА томонидан мамлакатлар миллий терма жамоаларининг июль ойи якунлари бўйича янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

БИР ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

Унда Самвел Бабаян бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси бир поғона юқорилаб, 55-ўриндан жой эгаллади. Осиё миқёсида эса миллий терма жамоамиз Эрон, Жанубий Корея ва Япониядан кейин тўртинчи ўринга лойиқ кўрилган.

Жаҳон рейтингида ҳамон Аргентина биринчи ўрин билан карвонбошилик қилаётган бўлса, ундан кейинги ўринларда Бельгия ва Колумбия терма жамоалари боришмоқда.

"ПАХТАКОР" ФАХРИЙЛАРИ – ҒОЛИБ

Пойтахтимиздаги "Чилонзор" стадионида "Пахтакор" фахрийлари ҳамда "Футбол фахрийлари" лигаси терма жамоаси иштирокида хотира турнири уюштирилди.

Футбол фахрийси Карен Сафаров ташаббуси билан "Пахтакор – 79" жамоаси хотирасига бағишлаб 2010 йилдан бери ўтказиб келинаётган ушбу турнирда иштирок этганлар авиаҳалокат сабаб ҳаёт билан видолашган "Пахтакор – 79" жамоасини ҳурмат билан ёдга олишди. Сўнг фахрий футболчилардан тузилган жамоалар ўртасидаги учрашув бошланди. Жуда қизиқарли ҳамда томошабоп ўтган баҳс "Пахтакор" фахрийларининг 5:4 ҳисобидаги ғалабаси билан якунига етди. Шу куни баҳсни стадиондан туриб кузатган томошабинлар собиқ пахтакорчилар – Шуҳрат Раҳмонқулов, Шуҳрат Мақсудов, Леонид Кошелев ҳамда Собир Ходиевларнинг чиройли ўйинларини мароқ билан кузатишди.

ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАР ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 18-тур баҳсларида пешқадам жамоалар муҳим очколардан маҳрум бўлишди.

Фарғонада турнир пешқадами "Локомотив" жамоасини қабул қилган "Нефтчи" айтиш жоизки, ўзидан анча кучли бўлган клубга муносиб қаршилик қила олди. Муросасиз ва қизиқарли кечган баҳс 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Дарвозаларни "Нефтчи"дан – М.Саидов, "Локомотив"дан – Т.Абдухолиқов аниқ нишонга олишди.

Шунингдек, турнир жадвалида "Локомотив"-ни изма-из таъқиб қилиб бораётган "Бунёдкор" жамоаси сафарда "Машъал" билан куч синашди ва бу ўйинда ҳам томонлар муроса йўлини танлашди. Баҳс 1:1 ҳисобида тугади. Мухлислар "Машъал" дан – К.Тўраев, "Бунёдкор"дан – Б.Насимов томонидан урилган голларга гувоҳ бўлишди.

Амалдаги чемпион "Пахтакор" ўз майдонида "Бухоро" жамоаси билан куч синашиб, муҳим икки очкони бой берди. Ўйин 1:1 ҳисобида якунланди. Пахтакорчилардан А.Сидоров 17-дақиқада ҳисобни очган бўлса, меҳмонлар вакили Б.Пардаев 74-дақиқада мезбонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб орадаги мувозанатни тиклади. Учрашувдан сўнг "Пахтакор" баribир турнир жадвалида 7-ўринда бормоқда.

Турнирнинг қолган баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Обод" – "Насаф" – 0:3, "Олмалиқ" – "Қизилқум" – 2:3, "Шўртан" – "Металлург" – 1:0, "Андижон" – "Қўқон-1912" – 0:2, "Сўғдиёна" – "Навбаҳор" – 2:1.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ: ЁНҒИННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ёнғин туфайли инсон йиллаб йиққан, пешона териси билан жамлаган мол-дунёси бир неча дақиқа ичида кулга айланмоқда. Ёнғинни биз табиий офатлар қаторига қўшамиз, бу тўғри албатта, лекин кўпгина ҳолатларда содир бўлган ёнғинларга ўзимиз сабабчи бўлмоқдамиз, масалан: кечаси ёниқ қолдирилган теле-радио, аудио-видео аппаратлари, ётоқхоналарда ўчмай қолган сигарета қолдиқлари, носоз электр ва газ плиталари сабаб бўлмоқда.

Ушбу ёнғинларнинг келиб чиқишига асосий омил бизларнинг оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз сабаб бўлмоқда. Бу борада, яъни фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишига эришиш, юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш борасида Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, бўлим ходимлари йил давомида аҳоли турар жойларида учрашувлар ташкил қилиб, фуқароларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга чақирмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари соҳа вакиллари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Негаки, ёнғин билан боғлиқ нохуш вазиятлар юз бермаслиги учун жойларда тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса табиийки, маҳалла фаоллари ёрдамидан фойдаланиш сезиларли самара беради. Шунингдек, ноқонуний, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмай газ ва электр тармоқларидан, носоз қўлбола техник қурилмаларидан фойдаланаётган фуқароларни аниқлаб, уларга тегишли жазо чораларини кўришда ҳам шу ҳудуддаги хонадонлар жойлашувини яхши биладиган, аҳолини яхши танийдиган маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, посбонлари ва фаоллари кўмаги зарур бўлади. Шу ўринда ҳар бир фуқаро ва ватандошларимизга шуни эслатиб ўтамизки, ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш енгилдир. Шундай экан келинг, ўз уйимиз, мол-мулкимизни ўзимиз асрайлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига бефарқ бўлмайлик.

Ерлан ДЖУРАБЕКОВ,
12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ кичик инспектори,
кичик сержант

* * *

Ёз мавсумида шаҳримизда ёнғинларнинг сони кўпайиб бормоқда. Яъни қуриган ўт ва хазонларни ёқиш ҳоллари натижасида атроф-муҳит зарарланиб, айрим жойларда ёнғинлар биноларга ўтиб кетиши ва фуқароларнинг куйиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Аҳоли яшаш уйлари атрофлари, масканлар ҳудудларида йиғилган ахлатлар, қуриган ўтлар, шох-шаббалар ёқиб юборилиши, кўп ҳолларда гулханлар ўчмасдан тутаб туриши, атрофга ёқимсиз ҳид тарқалиши натижасида баъзан инсонларда турли аллергик хасталикларнинг қўзғалишига ҳам сабаб бўлади.

Юқорида қайд қилинган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидагилар тақиқланади.

– Шаҳар, туман кўчалари, мавзе ва майдонларида йиғилиб қолган қуруқ ўтларни ёқиб юбориш;

– Ёш болаларни уй ва кўчаларда назоратсиз қолдириш;

– Ёш болаларнинг гугуртдан фойдаланиши;

– Кўчаларда йиғилган хазонларнинг устига сигарета қолдиқларини ташлаш;

– Турар жой биноси ва корхоналар ҳудудида қуриган шох-шабба, хазон ва чиқиндиларни ёқиш.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар, хонадонимизда ва ишхонамизда ёнғин қонун-қоидаларига риоя қилсак, ўзимизни ва фарзандларимизни, уй-рўзғор анжомларини, давлат мол-мулкини ёнғин балосидан сақлаган бўламиз.

Ёнғин содир бўлган тақдирда "101"га хабар бериб, манзилгоҳни тўлиқ айтишни унутманг.

Хусан САЙДАХМЕТОВ,
Миробод туман ИИБ ЁХБ инспектори,
кичик сержант

* * *

Ҳаётда содир бўладиган катта фалокатлардан бири ёнғиндир.

Аммо ҳозирда кишилик тараққиёти юксалса ҳам айримлар оловдан тўғри фойдаланишни билишмайди. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона ва ташкилотларда ҳам учратиш мумкин. Шу сабабли келиб чиқаётган ёнғинлар оқибатида давлат ва халқ мулкига катта зарар етиши билан бирга бу офат инсонлар ҳаётига хавф солмоқда. Шунинг учун ҳар ким ўз уйи, маҳалласи, шунингдек, иш жойида электр ва газ ускуналари билан ишлашда эҳтиёткор бўлмоғи лозим.

Ф.ҚЎЛДОШЕВ,
Учтепа туман ЁХБ инспектори, кичик сержант

* * *

Тилсиз ёвдан кичкинтойларни асраш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса уларда бу борадаги билим ва кўникмаларни шакллантириш муҳимдир. Пойтахтнинг Олмазор тумани ИИБ ЁХБ ходимлари ҳам шу масалаларга алоҳида эътибор қаратганлар.

Мактабгача таълим муассасаларида ва ўқув юртларида ўтказиладиган суҳбатлар самарадорлигини ошириш мақсадида болаларга ёнғинларни бартараф этишда ишлатиладиган бирламчи ўт ўчириш воситалари, замонавий ўт ўчириш анжомлари, уларни ишлатиш тартиблари тушунтирилиб, кўрсатиб борилади. Бундан ташқари ёнғинлар қандай талофатларга олиб келиши мумкинлигини акс эттирувчи кўргазмалар ҳам намойиш этилади. Ўт ўчирувчилар аввало кичкинтойларга содир бўлган ёнғинлар ҳақида гапириб, ёнғин юзага келганда биринчи навбатда нималарга эътибор бериши кераклиги ҳақида тушунчалар беришади. Энг муҳими улар гапларни амалий жиҳатдан кўрсатиб болаларда муайян хулосалар ҳосил қилишади.

Р.ҒУЛОМОВ,
ЁХБ катта инспектори, сержант

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **19 август** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **19 августда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тўпланиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 855
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5116 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ